

ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ф.Э. Култаева, катта ўқитувчи. СамДАҚИ

Д. Ш. Ибрагимова, катта ўқитувчи. СамДАҚИ

Аннотация: Ушбу мақола инглиз тилини ўқитишда замонавий услубларнинг асосий тамойилларига бағишланган. Мақолада, чет тилини ўрганишнинг барча усуллари муайян эҳтиёжлар билан боғлиқлиги ҳисобга олиниб, тил ўқитишнинг барча услублари унга қўйилаётган мақсад билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: чет тили ўқитишнинг классик усули, коммуникатив, интенсив фундаментал методлар, мулоқотни шакллантириш, нутқ вазияти, талаб ва эҳтиёжлар.

Аннотация: Данная статья посвящена основным принципам современных методик преподавания английского языка. В статье рассматривается, что все методы изучения иностранного языка связаны с конкретной потребностью, поэтому все методы обучения языку будут определяться с целью, изложенной в нем.

Ключевые слова: классические методы обучения иностранным языкам, коммуникативные, интенсивные и фундаментальные методы, стили общения, ситуационные задачи, требования и потребности.

Annotation: F.E Kultayeva. Some arguments about the methods of teaching the English language.

This article is devoted to main principles of modern methods of teaching English. The article considers that all methods of learning a foreign language are associated with a specific need, therefore all methods of teaching a language will be determined with the purpose set forth in it.

Key words: classical methods of teaching foreign languages, communicative, intensive basic methods, communication styles, speaking situations, requirements and needs.

Мустақил Республикамиз халқ таълими ўзига хос ривожланиш даврини бошидан кечирмоқда. Таълим тизими ривожининг кейинги даврларида инглиз тили ўқитишнинг турли хил янгича методлари кенг кўламда қўлланилмоқда. Хорижий тилларни ўргатишнинг коммуникатив асосининг муҳим хусусиятларидан бири тилнинг структуравий, функционал ва ижтимоий жиҳатларига тизимли ёндашувида намоён бўлади. XX-аср охирида инглиз тили ўқитиш методлари кескин ўзгарди ва ранг-барангликка эга бўлиб бормоқда. Шу кунгача ўқитиш босқичларида грамматика, сўз бойлигини ошириш, ўқиш ва бадий таржима масалаларига асосий эътибор қаратилган эди. Бу тамойил асосида ўқитиш узоқ вақт ва катта меҳнатни талаб этади. Анъанавий ўқитиш услубида одатда вазифалар бир хил бўлади: матнни ўқиш, таржима қилиш, янги сўзларни ёдлаш, қайта сўзлаб бериш ва матн асосида машқларни бажариш. Баъзан

эса диктант ёки иншо ёзилиб, кўшимча тарзда фонетик масалаларга ҳам бир оз муурожаат этилар эди.

Тил ўқитиш ҳамма вақт икки – амалий ва қиёсий, назарий – аспектда ривожланган. Аристотель даврларидаёқ ўқитувчи этикаси замонавий талаблар билан ҳамоҳанг, аудитория билан кучли боғланган бўлиши лозимлиги таъкидланган. Бундай муносабат нотиклар учун ҳам, актёрлар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам жуда муҳимлиги изоҳ талаб этмайди, албатта. Ўқитувчига нисбатан талаблар бугунги кунда таълим жараёнида сезиларли даражада ўзгаришларга олиб келмоқда. Шунини аниқ айтиш мумкинки, анъанавий ўқитиш методлари ўқитувчини аудиториянинг мутлақ ҳокими бўлишини тақозо этган. Бироқ, бугунги кунга келиб, таълим тизимида, хусусан, хорижий тилларни ўқитишда марказий ўринни талаба эгаллаётганлиги намоён бўлмоқда. Ўқитувчининг талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришдаги ўргатувчилик фаолияти, дарс жараёнида нутқ фаолиятининг барча турлари бўйича кўникма ва малакалар шакллантиришга йўналтирилган турли туман методлар, усуллар, воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Зеро, энди ўқитувчи талабага нисбатан назоратчи, раҳбар, йўл-йўриқ кўрсатувчи, дарслик ва талаба ўртасида муносабатнинг реал воқеланишида мувозанатни вужудга келтирувчи шахс вазифасини бажармоқда. Бу эса, ўқитувчининг аудиториядаги ўрнини, яъни мавқеини пасайтиради, ва айни унинг меҳнатини янада оширади. Бундай вазиятда гуруҳда иштирокчиларнинг максимал тарзда ўзаро мулоқотга киришуви таъминланади ва машғулотнинг қизиқарли, самарадор бўлишига эришилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйида тил ўқитишнинг айрим анъанавий усуллари ва айрим замонавий усуллари ҳақида баъзи мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчимиз. Мавжуд ўқитиш методларидан нисбатан кенг тарқалганлари сифатида фундаментал метод, чет тили ўқитишнинг классик усули, коммуникатив метод, интенсив методларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Жумладан, фундаментал метод тил ўқитишда энг эски ва анъанавий метод ҳисобланади. Бунга кўра тил ўқитиш фаннинг барча назарий аспектларини чуқур ўзлаштиришни назарда тутаяди ва бу жараён анча кўп вақтни талаб этади. Мазкур метод асосида тил ўрганиш она тилига нисбатан ўзлаштирилади ва бунда фонетик, лексик ва грамматик маълумотлар илмий-назарий томондан кенг қамровли ўрганилади. Бу метод хорижий тилларга ихтисослашган олий ўқув юрларида кенг қўламда қўлланилади ва узоқ муддатни талаб этади.

Чет тилини ўқитишнинг классик усули узоқ вақт мобайнида шаклланиб, турли ёшдаги ўрганувчиларга алоҳида мўлжалланганлиги билан характерланади. Бунда талаффуздаги нуқсонларни турли кўрсатма ва фактлар асосида тўғри ривожлантиришга, грамматик билимларни шакллантириб боришга, шунингдек, мулоқотга киришув жараёнини шакллантиришга эътибор берилади.

Бу тарзда тил ўқитиш талабалар учун тилни тушуниш ва нутқ тузиш учун кенг имконият яратади. Кўринадики, мазкур метод ўта замонавий ҳисобланмаса ҳам самарадор эканлиги, талабаларга мустақил ишлашга ва билимни комплекс ўзлаштиришга имкон бера олади.

Яна бир кенг тарқалган метод – бу тилни жамият билан бевосита боғлиқ ҳолда тасаввур этиш орқали ўзлаштиришни назарда тутати. Мазкур метод тарафдорлари фикрига кўра, тилни фонетик, лексик ва грамматик қоидалар асосида ўқитиш жараёнида тил ўзининг «жонли» ҳодиса сифатидаги моҳиятини йўқотади. Агар тил ижтимоий муҳитнинг ажралмас маданий фактори сифатида назарда тутилса, талабаларнинг ўзлаштириши юқори бўлиши, ўқитишнинг бу усулида бошқа, яъни анъанавий ва классик методларда ўқитишдан кўра юқори натижаларга эришиш мумкинлиги айтилади.

Коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш кейинги йилларда Америка ва Европада кенг тарқалмоқда. Бунда асосий эътибор сўзлашувни тез ўзлаштиришга қаратилганлигини эътиборга олмоғимиз лозим. Демак, бунда асосий эътибор мулоқотни шакллантириш, ўқиш ва ёзишга қаратилади. Оғзаки сўзлашувга катта аҳамият қаратилган ушбу метод асосида ўқитаётган мутахассисларнинг фикрларига кўра оғзаки нутқ, албатта, кишининг ёзма нутқидан кескин фарқланади. Маълумки, сунъий равишда яратилган нутқ, талабани ўраб турган атроф муҳитга, вазиятга мос келмаслиги туфайли талабада уни ўрганиб олиш учун етарли даражада рағбат уйғотмайди. Масалан, ўқитувчи бир талабага: «Сиз дўкондасиз. Сотувчидан битта дафтар ва иккита ручка неча сўм туришини сўранг!» кабилида коммуникатив топшириқ берса, иккинчи талабага «сотувчи» сифатида унга тегишли жавоб беришни топширса, бу сунъий равишда яратилган нутқ вазияти ҳисобланади. Агар талаба турмуш эҳтиёжлари туфайли сотувчидан инглиз тилида юқоридаги гапларни сўрашга мажбур бўлса, бу табиий равишда яратилган нутқ вазияти ҳисобланади. Шунини ҳисобга олиб талабалар ўзларининг турмуш шароитида институтда, кўчада, дўконда, учрашув ва ҳакозоларда дуч келадиган танишув, фикр билдириш, фикрни рад қилиш, фикрни қўллаб қувватлаш, савол бериш, саволга жавоб беришга оид турли мавзулардаги нутқ вазиятларига мос келадиган нутқ намуналарини ҳақиқий нутқ вазиятларида амалда қўллашга ўрганадилар. Ўтган асрнинг 80-йилларида шаклланган коммуникатив метод талабаларни айнан ана шундай нутқ вазиятлари орқали мулоқотга ўргатишни кўзда тутати.

Бироқ коммуникатив методнинг ютуқлари бўлишига қарамай, у фақат оддий сўзлашувни шакллантиришни назарда тутиши кўриниб қолмоқда. Бу метод асосида тилни ўзлаштирган кишилар мулоқотда тез ва эркин киришиш имконига қисқа вақт ичида эга бўла олсалар-да, бироқ хорижий нашрларни тўғридан-тўғри тушуниш масаласида қийналишларини кўришимиз мумкин.

Сўнгги пайтларда тил ўқитишнинг интенсив методлари нисбатан кенг тарқалмоқда. Тўғри, бунда бевосита вақтдан ютиш асосий ўринга қўйилади.

Бирок, бу методда ҳам кенг тарқалган энг муҳим сўзлардан иборат мулоқот бирикларини ўзлаштиришдан бошқа нарса назарда тутилмайди. Демак, бу методнинг хизмат қилиш ҳам маълум бир доирага тушиб қолганлиги аниқ бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб фикримизни хулосалайдиган бўлсак, шу нарса аниқ бўладики, тил ўқитиш методларнинг кўпайиши жамиятда тил ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг юқори эканлигидан далолат беради. Шундай экан «тилни ўрганишнинг мақсадлари бир хилми?» – деган саволга жавоб излашнинг ўзи мазкур масала юзасидан бўлаётган барча муаммоларнинг ечимига олиб келиши шубҳасиздир. Бошқача айтганда, чет тилини ўрганишнинг барча методлари маълум бир жиддий эҳтиёжлар билан боғланган, шу боис тил ўқитишнинг барча услублари унга қўйилаётган мақсад билан белгиланади. Шундай экан, уларнинг қай бири устун деган саволга бериладиган жавоб бевосита талаб ва эҳтиёжлар асосида бўлмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Ж. Жалолов Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент 1996 Ўқитувчи нашриёти
2. Тер-Минасова С. Язык и межкультурная коммуникация. –М., 2013.
3. Мустафоева Х. Нолисоний факультет талабаларига инглиз тилини ўргатишнинг интерактив усуллари ППС тўплами 2008 йил
4. Зарипова Р. А. Чет тили методикасидан қўлланма. Тошкент 1996 Ўқитувчи нашриёти